

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ҒАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Ғ. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Ғ.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фаргона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

К.Муминов, У.Муминов

S_p (3, C) группасининг полиномиал инвариантлари 6

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Ф.Байчаев

Кон-металлургия саноати тизими бўлажак мутахассислари учун физикадан касбий йўналтирилган масалаларни шакллантириш 11

Х.Мамаризаев, Э.Исақов

Фарғона вилояти пенсия ёшидаги аҳоли ўлимининг ҳозирги ҳолати ва ўзгариш тенденцияси 16

КИМЁ

И.Аскарлов, М.Муминжонов, М.Абдуллаев

Коврак (*ferula*) ўсимлигининг чиқиндисидан олинадиган айрим доривор бирикмалар 22

Б.Зокиров

Helianthus tuberosus илдиз меваси таркибидаги эркин моносахаридларни аниқлаш ва ажратиб олиш 27

Н.Тўлаков, И.Асқаров

l-(2`-карбокCIFерроценил) бензой кислота синтези 33

Д.Каримова, В.Хужаев

Косметик воситалар таркибидаги метилпарабенни юқори самарали суюқлик хроматографияси усулида аниқлаш 38

И.Асқаров, Х.Исақов, Ҳ.Жамолова

Пиёзнинг кимёвий таркиби ва шифобахш хусусиятлари 44

И.Асқаров, Н.Тухтабоев, Н.Юлчиева

Амарант таркибидаги пигментлар ва уларни озик-овқат саноатида қўллаш истиқболлари 49

А.Махсумов, Б.Исмаилов

Синтезы пропаргилового эфира 1-фенил азонаптола-2 и его производных 54

И.Асқаров, А.Йўлчиев, К.Джамолов, Ф.Эргашев,

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг энергия тежамкор технологиялари 58

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ш.Аббосова

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши шароитида инсон омилининг ошиб бориши 64

И.Сиддиқов

Ислол фалсафасида аёлларнинг илм олишига муносабат ва унинг гендер жиҳатлари 69

УДК: 100.25.115

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА
ИНСОН ОМИЛИНИНГ ОШИБ БОРИШИРОСТ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ФАКТОРА В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ
ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

HUMAN FACTOR INCREASE IN THE DEVELOPMENT OF THE CIVIL SOCIETY

Аббосова Шохида Турдалиевна¹¹Аббосова Шохида Турдалиевна

– Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада жамиятда инсон омилининг фаоллик даражаси, шахснинг яратувчанлиги, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий фаоллиги унинг тараққиётни таъминлашдаги таъсирини ошириш йўллари тўғрисида сўз юритилади.

Аннотация

В статье речь идет об уровне активности человеческого фактора в обществе, о способах повышения созидательной, политико-социальной, экономической активности личности, ее влияния на обеспечение прогресса.

Annotation

The article focuses on the level of activity of the human factor in society, on the ways of increasing the creative, political, social, economic activity of the individual, its impact on ensuring progress.

Таянч сўз ва иборалар: инсон омили, жамиятдаги ҳуқуқий мезон, шахс фаровонлиги, улғу мақсадлар, аҳоли бандлигини таъминлаш, инновацион фикрлаш, ишлаб чиқариш воситаларига эгаллик қилиш, мулк муносабатлари.

Ключевые слова и выражения: человеческий фактор, правовой критерий в обществе, благосостояние личности, высокие цели, обеспечение занятости населения, инновационное мышление, владение средствами производства, имущественные отношения.

Key words and expressions: human factor, legal criterion in society, person's well-being, high goals, employment of the population, innovative thinking, ownership of means of production, property relations.

Маълумки, инсон – тарихий тараққиётнинг бош субъекти ва бу жараёнда ўзини ўзи шахс сифатида намоён қилувчи, онг, ақл ва тафаккурга эга бўлган ижтимоий мавжудот сифатида жамиятнинг энг муҳим таркибий элементи, тарихнинг яратувчисидир. Шундай экан, жамият тараққиёти ва ривожига ҳамиша инсон омилини ошириш тамойилига бевосита боғлиқ бўлиб келган. Инсон омилини фаоллаштириш эса, аввало, шахс фаровонлигининг ўсишини ва фаолият йўналишини эркин танлаш имкониятини мужассамлаштиради.

Инсон омилининг фаоллик даражаси – шахснинг яратувчанлик, меҳнат қобилияти, билими ва касбий малакаси, илғор дунёқараши, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий фаоллиги, жамиятдаги ҳуқуқий мезон, одоб-ахлоқ қоидаларини, инсонпарварлик ғояларини

билиши ва унга амал қилиши ҳамда жамият манфаати учун ҳалол меҳнат қилишга интилишини ўзида акс эттирадиган тушунчадир.

Жамиятда инсон омилини ошириш унинг эркинлигига кенг йўл очиш, мазкур талабни рўёбга чиқара оладиган ижтимоий тузилма мавжуд эканлиги билан узвий боғлиқ. Акс ҳолда моддий ва маънавий бойликларни яратиш, янги техника ва технологияларни ривожлантириш мумкин эмас. Шу сабабли инсон омилини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, унинг тараққиётни таъминлашдаги таъсирини ошириш йўллари излаш жамиятни янада ривожлантиришда доимо долзарб вазифа бўлиб келган.

Бизнингча, инсон омили деганда унда намоён бўладиган жисмоний ишчи кучинигина тушуниш камлик қилади, балки ундаги чексиз қобилиятлар,

ФАЛСАФА-СИЁСАТ

аждодлари тажрибасининг мужассамлашганлиги, илм ва салоҳиятни ўзида акс эттирган мавжудотнинг ўзлигидан, яъни, «МЕНИ»дан иборат бўлган тушунчани англаш ўринлидир. Инсон омили – бу, инсондаги юксак фазилатлар, улуғ мақсадлар, салоҳияти, имкониятлар ва қобилиятларнинг муштарак ифодавий кўринишидир.

Юртимизда ҳамма нарса инсон учун, унинг қадри ва қимматини жойига қўйиш, манфаатлари ва эркинликларини таъминлаш тамойилларини амалга ошириш барча соҳалар учун доим энг муҳим устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйилганлиги инсон омили категориясини тўлақонли англаш учун муайян даражада методологик аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон жамиятшунослик туркумидаги фанларда инсон омилнинг умумконцептуал муаммоларига доир мулоҳазалар кенг таҳлил қилинаётганлигини эътиборга олиб таъкидлаш ўринлики, бу борада инсон ҳақида энг умумий ва унинг ижтимоий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган универсал коцепцияни яратиши мумкинлиги тўғрисида фикрлайдиганлар ҳам бор бўлса-да, бироқ бу концепция қуйидаги сабабларга кўра инсон ҳақида ҳар томонлама тўла-тўқис маълумот бера олиш учун даъво қила олмайди:

Биринчидан, ҳеч бир ёндашув инсон ҳақидаги «универсал концепция»ни яратишга даъво қила олмайди. Чунки, инсон ижтимоий мавжудот сифатида доимий равишда динамик жараёнларни бошдан кечириб туради, ўзгариш ва ривожланиш ҳолатида ҳаёт кечиради. Бу эса, ўз навбатида, у тўғридаги мукамал концепцияни яратиш амалий жиҳатдан қийин иш эканлигини кўрсатади. Ахир, қарийб уч минг йил аввал муқаддас «Авесто» китобида «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тўғрисидаги концептуал формула яратилган бўлса-да, инсоният ҳали-ҳануз бу эзгуликка эришган эмаслиги фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Иккинчидан, инсон ва унинг ривожланиш қонуниятларини илмий асослаб бера олиш учун даъвогар бўлган

барча тараққиёт концепцияларининг ўзи нисбий характерга эгадир.

Учинчидан, инсон ҳақида тўпланган барча билимларни алоҳида бирон бир фан томонидан умумлаштириши бу фаннинг мустақиллик мақомига путур етказди. Зеро, бу борадаги муқобил қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши фан тараққиётининг умумий қонуниятларига мос бўлиб, бу муқобилликка зид бўлган ҳар қандай қарашлар, ҳатто илмий хулосалар ҳам пировард оқибатда инқирозга маҳкумдир.

Тўртинчидан, билиш жараёнида ягона тан олинган усулнинг бўлиши мумкин эмас. Ягона усулнинг эътироф этилиши билиш жараёнини сохталаштиради ва пировард оқибатда ҳосил қилинадиган билимларимизнинг мазмун-моҳиятини сийқалаштиради.

Тараққиёт давомида ҳосил қилинган мутлақ ҳақиқатлардан бири инсон ва инсониятнинг жамиятнинг энг олий бойлиги, абадий қадрият ва қудратли салоҳият эканлиғидир. Бу салоҳиятни юзага чиқариш жамиятимизни ривожлантириш ва тараққий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат қилади. Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у бутун жамиятнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради. Бу омилнинг кучи ва таъсири, энг аввало, юксак маънавият билан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Шахснинг шаклланиши, камолга етиши жамият ижтимоий ривожланишига, иқтисодий ва маънавий тараққиётига; меҳнат заҳиралари ва инсон омилдан самарали фойдалана олиш эса, киши билимдонлигига боғлиқ жараёндир. Бу, умуминсоний қадрият маъносига эга бўлиб, барча халқлар ва даврлар учун ижтимоий ривожланишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб келган.

Бу тўғрида республикамизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳам алоҳида таъкидлаган эди: “Дунёнинг демократик қадриятларидан баҳраманд бўлишда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик

тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришни ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда”[1,134].

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг бугунги даврига келиб Президент Ш. Мирзиёев томонидан “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак”лиги тўғрисидаги концепциянинг ҳаётий аҳамиятини реал воқеликка айлантириш борасида изчил давлат сиёсатининг амалга оширилаётганлиги мамлакатимизда босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишимизнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунда, хусусан, инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, бошқарув тизимини тубдан яхшилаш, турли коррупцион ҳаракатларга мутлақо йўл қўймаслик, инновацион фикрлаш ҳамда халқимизнинг тарихий яратувчанлик анъаналари ва замонавий тараққиёт талабларига мос келадиган соҳаларни барпо этиш кабиларга асосий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда муқаддам мавжуд бўлмаган автомобилсозлик, замонавий энергетика, электроника ва микроэлектроника, авиасозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги каби соҳаларнинг пайдо бўлиши миллий мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкамламоқда. Шунингдек, аҳоли интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури имкониятларидан фойдаланиш ҳам инсон омилини фаоллаштириш учун муҳим омил эканлиги, дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари билан қўшма факультетлар фаолияти йўлга қўйилганлиги, мамлакатимизда кўплаб замонавий илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, илмий - ишлаб чиқариш бирлашмалари, ахборот-ҳисоблаш марказлари иш олиб бораётганлиги ҳам, табиийки, юртимизда инсон омилининг ролини ошириш борасида амалга оширилаётган тадбирлардир.

Ўзбекистонда ҳозирги даврда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт одимларининг таъминлауфётганлиги ҳам, шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ва ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш, инсон омилини фаоллаштириш йўналишида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг меваси бўлмоқда. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, инсон омили иқтисодий фаолиятда стихияли тарзда амалга ошириладиган жараён эмас, балки ўз мақсадига мувофиқ жамият бошқарувини амалга ошириш, тизимли таълим-тарбияни йўлга қўйишни тақозо қилади. Бунда, айниқса, шахснинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, унинг сиёсий онглилик даражаси катта аҳамият касб этишини таъкидлаш ҳам ўринлидир.

Мамлакат тараққиётини тезлаштириш учун хизмат қилувчи янги технологияларни жорий этиш, инновацион ғояларни жамият ҳаётига кенгроқ жалб этиш, янгича фикрлайдиган интеллектуал кучларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижда фаолият кўрсатаётган юксак билим ва тафаккур соҳиблари бўлган ватандошларимизни юртимизга қайтариш орқали фуқаролар меҳнатини енгиллаштириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг турмуш даражасини кескин ошириш, камбағалликка барҳам бериш масалаларига мустақил Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишнинг тезкор йўли, деб қаралмоқда. Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев бу борада хориж тажрибасини кенгроқ ўрганиш ва жорий этиш, чет эл илғор технологияси ва инвестициясидан мамлакатимиз манфаатлари учун самарали фойдаланиш орқали юксак тараққиёт даражасига эришиш марраларини кўзлаб давлат бошқарувини амалга ошираётганлиги жаҳондаги ишбилармон кучлар доираси томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. (Қаранг: Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади– Т.:” Ўзбекистон”, 2020.)

ФАЛСАФА-СИЁСАТ

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш билан бирга уни сифат жиҳатидан янада такомиллаштириш, аҳолимиз фаровонлигининг ортиб боришини муттасил таъминлайдиган иқтисодий самарадорликка эришиш билан боғлиқ бўлган ислохотларни чуқурлаштиришдан иборатдир.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай ишлаб чиқаришдан манфаатдорлик – жамият тараққиёти ва ижтимоий юксалишининг асосий гаровидир.

Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорликнинг инсон омилидаги ўрни масаласига алоҳида тўхталиб ўтишни тақозо қилади. “Тадбиркорлик” категориясининг мазмун-моҳияти ҳақида ижтимоий фалсафа соҳасида турлича ёндашувлар ва фикрлар мавжуд. Тадбиркорлик мустақил омил сифатида ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи куч тарзида асосий уч омил: инсон, техника ва технология ҳаракатини кучайтиради. Илмий тадқиқотларда тадбиркорлик – бу, - мустақил фаолият бўлиб, ўз фаолиятини маълум хавф-хатар остида, мулкдан фойдаланиш, товарларни сотиш ишларини бажариш ёки хизмат кўрсатиш натижасида даромад олиш, деб тушунилади [2,121].

Жамият тараққиётида мулк муносабатларини оқилона ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишнинг институционал тизими унинг ривожланиш даражасини белгилашда асосий мезон бўлади. Шу нуқтаи назардан мулкчилик муносабатларини, уларнинг муқобил шаклларини мулк эгаларининг интеллектуал салоҳияти имкониятлари билан боғлаб, бир-бирига таъсир йўналишларини аниқлаш муҳим назарий, методологик, амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб илмий фалсафий муаммолардан биридир. Ҳозирги даврда мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш жуда муҳим бўлиб, шахс ижтимоий-иқтисодий фаоллигини белгилаш мезонлари тизимида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Инсон омилини фаоллаштириш – аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг мулкдорга айланиши учун шарт-шароитларни, хусусан, ҳуқуқий маконни

яратишдан иборат. Бу, инсон омилини фаоллаштириш, аҳолининг фаровонлигини оширишнинг муҳим шarti бўлган меҳнат билан бирга мунтазам бандлик даражасини кўтариш зарурлиги билан асосланади.

Ҳақиқий мулкдорлар – ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи ва уларни тасарруф этувчи шахслар бўлиб, замонавий иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш воситаларини унумли тарзда, фойда олган ҳолда шахсий ва ижтимоий манфаатларни уйғунлаштирувчи фуқародир. Ушбу тоифадаги муаммоларнинг кенг кўламли илмий, амалий ҳал этилиши мустақил Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришни таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг бош мезони бўлиб, давлатнинг бош ислохотчилик роли билан бевосита боғлиқдир.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, аҳолининг турмуш даражасини ошириш инсон омилининг касбий, малакавий билим даражаси, жамоа истеъмол фондлари, иш ҳақи, меҳнатнинг сифати ва унумдорлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий рағбатлантириш тизими кабиларнинг тўғри ташкил этилганлиги билан ҳам узвий боғлиқ. Зеро, инсон омили ишлаб чиқариш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида жамият тараққиёти барча босқичларининг ижтимоий-иқтисодий табиатини белгилайди, уларнинг ривожланиш манбаини ташкил этади.

Шундай экан, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни либераллаштириш даврида режали маъмурий бошқарувнинг бозор томонидан тартибга солинадиган иқтисодиётга ўтиш ва ўзини ўзи бошқаришни шакллантириш, инсоннинг ақлий ва маънавий салоҳиятини ўстириш, маданий рақобатнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини англашга кўмаклашувчи назарий-методологик асосларни яратиш вазифаларини амалга ошириш–инсон омилидан самарали фойдаланишнинг кафолатидир.

Республикаимизда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришда уни етук кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига жиддий эътибор

қаратилаётганлиги ҳам айнан шу ижтимоий эҳтиёж билан изоҳланади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев кўплаб учрашув ва йиғилишлар чоғида ушбу масалага катта эътибор қаратган ҳолда тегишли соҳа ходимлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Жумладан, республикамизда таълим тизимини тубдан ўзгартириш, педагог кадрлар фаолиятини ташкил этишга янгича ёндашиш, бунда ортиқчақоғозбозликларга тезкор равишда барҳам бериш, ўқувчи ва талабалар билимини баҳолаш тизимини ўзгартириш, уларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқлигини кучайтириш, бу борада хориж давлатларининг илғор тажрибаларига таяниш, замон талаблари ва эҳтиёжларига мослашувчанлик, ишсизлар учун махсус фондлар шакллантириш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш амалиётига ўтиш мезонларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Мутахассисларни касбий қайта тайёрлаш, иш кучининг ҳаракатчанлигини, самарадорлигини ҳамда иш ўринлари сонини кўпайтиришга, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва замонавий ахборотлар хизматини ташкил этиш чоратadbирлари ишлаб чиқилишига бугунги куннинг долзарб вазифаси, деб қаралмоқда. Бунда иш кучидан фойдаланиш аҳолининг ўсиши, миграция жараёнлари, маълумот даражаси, ёши ва бошқа шу каби турли омилларнинг зарурий равишда инobatга олиниши билан бевосита боғлиқдир.

Айни пайтда ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганлиги, Ўзбекистон Президентининг инсонпарварлик руҳидаги қатор фармонлари, қарорлари эълон қилинаётганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг кўп болали оилалар, қариялар, ногиронлар, нафақахўрлар ва

талабаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир қатор қарорлари қабул қилинганлиги, иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар муттасил ошириб борилаётганлиги, тадбиркорлик, ишбилармонлик, яратувчанлик фаолияти учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилаётганлиги ҳам жамият тараққиётида инсон омили ролини ошириш мақсадидаги муҳим амалий тадбирлардир. Бунда, бизнингча, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш эмас, балки иш ҳақи даражасини ошириш йўлига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги миллий тараққиётимизни таъминлашда жуда муҳим аҳамият касб этиши табиийдир. Гап шундаки, кам иш ҳақи инсонни фақат озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиради, қолаверса, ноқонуний даромад олиш ва коррупцион фаолиятга ундайди. Бунинг олдини олиш учун иш ўринларида меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан қараганда, ҳар қандай иқтисодий ислоҳотнинг ижтимоий жиҳати мавжуд бўлиб, бу – инсон умрини узайтириш чораларини кўриш, тиббий хизматлар, халқ таълимини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатида бўйсундириш, инсонни сармоялаш, яъни муносиб дам олиш, соғлиғини тиклаш учун шарт-шароит яратиш масалалари билан боғлиқ. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидаги “истеъмол саватчаси”, “ҳаёт кечирish минимуми” каби истеъмол стандартларини мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий турмушига ҳам кенг жорий этиш лозим, чунки мазкур тажрибалардан фойдаланиш аҳоли иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва яратувчанлик фаолиятининг юксалишига муайян даражада туртки бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида// Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.6. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998
2. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади– Т.: Ўзбекистон, 2020.
3. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Фан, 2000.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc)).